

{credit_request_amount_pretty}
{credit_request_amount_word}

(рақам ва сўз билан ёзилади)

Кредит шартномаси № _____
(АВТОКРЕДИТ)

_____ ш.
«{ _day}» { _month_word_cr}

{ _year}

йил

Акциядорлик-тижорат Халқ банки номидан (бундан буён шартнома матнида Банк” деб юритилувчи) {filial-boskaruvcisiga-berilgan-isoncnomasining-rakami-va-sanasi} ишончнома асосида фаолият юритувчи {filial-nomi} банк хизматлари маркази бошлиғи/раҳбари {filial-boskaruvcisi-ifs} бир томондан, кейинги ўринларда “Қарз олувчи” деб юритилувчи {full_name_cr}, паспорт маълумотлари: серия {passport_seria} № {passport_number}, {passport_begin_date_document} йилда {passport_doc_give_place} томонидан берилган, иккинчи томондан ва кейинги ўринларда “Биргаликда Қарз олувчи” деб юритилувчи, {credit_request_securities_partner_debtor_definition} {credit_request_securities_guarantor_definition} учинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Банк томонидан Қарз олувчига {product_ct_car_model} русумли автотранспорт воситаси сотиб олиш учун кредит маблағларини ажратиш ушбу Шартноманинг мазмуни бўлиб ҳисобланади.

2. Кредит шартлари

- 2.1. Кредит суммаси: {credit_request_amount_pretty} ({credit_request_amount_word}) сўм.
- 2.2. Кредитдан фойдаланиш муддати: {credit_product_term_lifetime_months} ой
- 2.3. Асосий кредит ҳамда кредитга ҳисобланган фоизларнинг қайтарилиши мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган тўлов жадвалига мувофиқ амалга оширилади.
- 2.4. Кредит бўйича фоиз ставкаси: йиллик {credit_request_percentage}% фоиз;
- 2.5. Фоизларни тўлаш муддати: ҳар ойнинг 5 санасида;
- 2.6. Кредитнинг имтиёзли даври: __ ой.
- 2.7. Кредитнинг мақсади ва объекти: {product_ct_car_model} русумли автомашинаси сотиб олиш.
- 2.8. Кредит тулиқ қиймати (КТҚ)
Кредит фоизи бўйича харажат _____ сўм,
Сугурта бўйича харажат _____ сўм,
Гаров шартномаси бўйича харажат _____ сўм.
- 2.9. Енгил автомашина сотиб олиш учун дастлаб қабул қилинган {product_ct_initial_deposit_percent}% бошланғич бадал суммаси, олди-сотди шартномага асосан расмий диллернинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Банкнинг мажбуриятлари:

Мазкур ҳужжат электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. www.xb.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжат тўғрисида маълумотларни олинг.

{credit_request_qr_code_image}

3.1.1.Қарздорга мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва шартларда ушбу шартнома кучга киргандан сўнг, беш банк иш куни ичида кредит ажратиш.

3.1.2.Олинган кредитни ҳисоблаш учун Қарздорга ссуда ҳисоб рақамини очиш.

3.1.3.Қарздорни Банк томонидан кредитни муддатидан олдин ундириш фактлари васаба блари ҳақида хабардор қилиш.

3.2.Қарздорнинг мажбуриятлари:

3.2.1.Кредит ва унга ҳисобланган фоизларни мазкур шартномада белгиланган муддатларда ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши ҳамда тўланишини таъминлаш.

3.2.2.Кредитдан фақат мазкур шартномада кўрсатиб ўтилган мақсадларда фойдаланиш.

3.2.3.Кредитдан фойдаланиш жараёнида кредитлашнинг асосий тамойиллари: муддатлилик, қайтаришлилик, мақсадлилик, тўловлилик, кредит қайтарилишининг ишончилиги ва таъминланганлик талабларига риоя қилиш.

3.2.4.Банк ходимларига мақсадли текширишлар (кредитдан мақсадли фойдаланиш ва товарнинг бутлиги масалалари бўйича) ўтказишлари учун рухсат бериш. Мақсадли текширишлар муддати қарздорнинг розилигисиз Банк томонидан белгиланади.

3.2.5.Мазкур шартнома кучда бўлган даврда ва Қарздорнинг мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш имкониятига салбий таъсир кўрсатадиган ҳолатлар бўлса, Банкнинг олдиндан розилигини олмасдан, Қарздор қуйидаги ҳаракатлардан бирортасини амалга оширмаслиги зарур:

-бошқа банклардан кредит ва қарз олиш, учинчи шахсларнинг кредиторлари олдида кафил(ёки гарант) бўлиш;

- кредит ҳисобига сотиб олинган автотарспорт воситасини сотиш ёки бошқа йўллар билан бегоналаштириш, бегона шахсларга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш ва учинчи шахслар фойдасига ўз мулкига нисбатан бошқа имтиёзли ҳуқуқларни вужудга келтириш;

3.2.6.Мазкур шартнома бўйича бир йилда бир марта ҳисобот йилининг 10 январига қадар Банкка ўртача ойлик иш ҳақи тўғрисида маълумотномани тақдим этиш.

3.2.7.Қарздорнинг иш жойи, яшаш манзили, фамилияси, исми ўзгарганда 5 кун муддат ичида Банкни хабардор қилиш.

3.2.8. Қарздор ўзининг ва Биргаликда қарз олувчиларнинг банкдаги барча банк ҳисобварақлари (пластик карта, омонат ва бошқа) тўғрисидаги маълумотларни банкка тақдим этиш;

3.2.9. Халқ банкининг “Contact center” операторлари қўнғироқларига хушмуомалалик билан жавоб бериш ва мулоқатда бўлиш ҳамда СМС хабарларини ижобий қабул қилиш;

3.2.10. Телефон рақами ўзгарган ҳолларда, зудлик билан Банкни хабардор қилиш. Бунда, телефон рақами ўзгарган кундан бошлаб икки иш кунида Халқ банкининг “Contact center” операторлари орқали Банкни хабардор қилиши мажбуриятини олади.

3.2.11. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ўзига тааллуқли бўлган шахсий маълумотларни ва банк сирини ўз ичига олган маълумотларни тўплаш, қайта ишлашга ва улардан фойдаланишга ушбу шартноманинг 2-иловасига мувофиқ ўз розилигини бериш мажбуриятларини олади.

3.3.Банкнинг ҳуқуқлари:

3.3.1.Қарздор тўловга лаёқатсиз деб топилганда, кредитни қайтариш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда, кредитдан мақсадсиз фойдаланганда(*кредит ҳисобига сотиб олинган автотарспорт воситасини гаровга қўймасдан бегоналаштириш каби ҳолатлар*), шартнома имзолангандан кейин тақдим этилган кредитни қайтарилишига таъсир кўрсатувчи маълумотларнинг ҳаққоний эмаслиги аниқланганда ҳамда Банкнинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятлари кучга кирганидан сўнг Қарздор томонидан кредитдан бир

Мазкур ҳужжат электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон {credit_request_qr_ ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш code_image} учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. www.xb.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжат тўғрисида маълумотларни олинг.

ойдан кўп муддат давомида фойдаланилмаганда (тўлов ҳужжатларини тақдим этмаслик) ушбу шартномада назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортиш.

3.3.2. Кредитлаш жараёнида ажратилган кредитга тегишли бўлган ҳолатларни (кредитдан мақсадли фойдаланиш, кредитнинг таъминланганлиги, кредитга лаёқатлилиги ва бошқалар) таҳлил қилиш.

3.3.3. Қарздорни хабардор қилиб, бошланғич фоиз ставкасини Марказий банкнинг асосий ставкасидан келиб чиққан ҳолда ўзгартириш. Бошланғич фоиз ставкасини ўзгартириш Банкнинг мутлақ ҳукуки бўлиб, Қарздор фоиз ставкасинининг Банк томонидан бир томонлама ўзгартирилишига ўз розилигини билдиради.

3.3.4. Бевосита Қарздор жойлашган ерда мақсадли текширишларни амалга ошириш.

3.3.5. Қуйидаги ҳолларда Қарздорни бундан буён кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин, жумладан ундирувни кредит таъминотида қаратиш орқали ундириш:

-кредитдан мақсадсиз фойдаланилганда (*кредит ҳисобига сотиб олинган автотарспорт воситасини сотиш ёки бошқа йўллар билан бегоналаштириш, бегона шахсларга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш ва учинчи шахслар фойдасига ўз мулкига нисбатан бошқа имтиёзли ҳуқуқларни вужудга келтириш*);

-Қарз олувчи шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган тўлов жадвалига риоя этмаганлиги оқибатида муддати ўтган қарздорлиги юзага келган ҳолларда;

-мазкур шартномага асосан Банк томонидан мониторинг ўтказилишидан бўйин товлаганда (бош тортганда);

-қарздор томонидан Банкка кредит ҳужжатларини расмийлаштирилаётганда тақдим этилган маълумотлар ҳаққоний эмаслиги аниқланганда;

-ажратилган кредитнинг қайтарилиши турли сабабларга кўра таъминланмаган бўлиб қолган ҳолларда, шунингдек кредит қайтарилишига салбий таъсир кўрсатувчи мазкур шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмаганда;

Бундай ҳолларда Банк олдиндан 15 кундан кўп бўлмаган муддат ичида Қарздорни огоҳлантиради, аммо қарздорнинг Банк томонидан огоҳлантирилмаганлиги Банкнинг бундан буён кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин ундиришга бўлган ҳуқуқига ўз таъсирини кўрсатмайди.

3.3.6. Қарздорнинг кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни Банклараро кредит бюросига тақдим этиш.

3.3.7. Мазкур шартнома бўйича Қарздорнинг муддати ўтган қарздорлиги юзага келган ҳолларда, Банк ўзининг талабларини қаноатлантириш учун зарур бўлган тегишли пул маблағларини (асосий кредит, фоиз, пеня) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ Қарздор ва Биргаликда қарз олувчиларнинг барча ҳисобварақлари (пластик карта, омонат ва б.)дан уларнинг топшириғисиз акцептсиз тартибда мемориал ордер орқали кўчириб (ундириб) олиш ҳуқуқига эга;

3.3.8. Халқ банкнинг “Contact center” операторлари орқали Қарздорнинг мобил телефонида тўлов жадвалига мувофиқ тўловлар яқинлашаётганлиги ҳақида 10 кун олдин СМС хабарлар юбориш;

3.3.9. Қарздор томонидан кредит ва унга ҳисобланган фоизлар мазкур шартномада белгиланган муддатларда тўланмаган ҳолларда, Халқ банкнинг “Contact center” операторлари орқали Қарздорнинг мобил телефонида СМС эслатмалар юбориш. Шунингдек, Қарздор билан шахсан мулоқат олиб борган ҳолда тўловлар белгиланган муддатларда амалга оширилиши лозимлиги ҳақида, ҳамда акс ҳолда Қарздорга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши мумкинлиги

Мазкур ҳужжат электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон {credit_request_qr_ ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш code_image} учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. www.xb.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжат тўғрисида маълумотларни олинг.

тўғрисида тушунтириш ишларини амалга ошириш, шунингдек шу мазмунда СМС хабарлар юбориш.

3.3.10. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Қарз олувчига тааллуқли бўлган шахсий маълумотларни ва банк сирини ўз ичига олган маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларига эга.

3.3.11. Ажратилган кредитнинг мақсадли ишлатилиши мониторингини тақдим этилган олди-сотди шартномаларида белгиланган, кредит маблағи ҳисобига маҳсулотларни етказиб бериш ва/ёки хизматлар (иш) кўрсатишнинг охириги муддатлари тугаганидан сўнг, жойига чиққан ҳолда амалга ошириш ҳуқуқларига эга.

3.4.Қарздорнинг ҳуқуқлари:

3.4.1.Олдиндан (5 банк иш куни давомида) Банкни хабардор қилиб, кредит олишдан тўлиқ ёки қисман воз кечиш.

3.4.2.Кредит қарздорлигини ҳеч қандай жарималарсиз муддатидан олдин қайтариш.

3.4.3.Кредитлаш ва ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларидаги ўзгаришлар ҳақида Банкдан маълумот олиш. Шунингдек, Халқ банкнинг “Contact centri” орқали банкдан олинган кредит юзасидан тегишли маълумотларни олиш.

4.Ҳисоб-китоблар тартиби ва шартнома баҳоси

4.1.Мазкур шартномада кўрсатилган шартлар асосида Банк кредит суммасини қарздорнинг ссуда ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан истеъмол товари сотиб олиш учун тўлайди.

4.2.Қарздор берилган кредит учун фоизларни Банкка мазкур шартномада белгиланган муддатда ва миқдорда Банк амалга оширган ҳисоб-китоб асосида тўлайди.

4.3.Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ҳар куни Банк томонидан ҳисоблаб борилади.

4.4. Қарздор шартнома шартларига асосан ажратилган кредитни ҳамда у бўйича ҳисобланган фоизларни нақд ва нақтсиз кўринишида пул тўлаш йўли билан амалга оширади. Аввал фоизлар бўйича ҳисобланган қарздорлик, кейин кредит бўйича асосий қарз қайтарилади (қопланади).

4.5.Мазкур Шартнома бўйича Банк ўзининг талабларини қаноатлантириш учун зарур бўлган тегишли пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ Қарздорнинг ҳисобварағи (пластик карта, омонат ва б.)дан унинг топшириғисиз акцептсиз тартибда мемориал ордер асосида кўчириб (ундириб) олишга ҳақлидир.

4.6.Қарз олувчининг кредити бўйича мажбуриятларни бажариш учун маблағлар етарли бўлмаган ҳолларда, қарздорлик қуйидаги навбатда қопланади:

Биринчи навбатда асосий қарз бўйича муддати ўтган қарздорлик ва муддати ўтган фоиз тўловлари мутаносиб равишда;

Иккинчи навбатда жорий давр учун ҳисобланган фоизлар ва жорий давр учун асосий қарз бўйича қарздорлик;

Учинчи навбатда неустойка (жарима, пеня) ва ундан кейинги навбатда Қарз олувчининг қарздорликни узиш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлари.

5.Кредит қайтарилишининг таъминланиши

5.1.Мазкур шартнома асосида ажратилаётган кредитнинг таъминоти сифатида, кредит маблағлари ҳисобига сотиб олинаётган {product_ct_car_model} русумли автомашина нархини ўзаро

Мазкур ҳужжат электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. www.xb.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжат тўғрисида маълумотларни олинг.

{credit_request_qr_code_image}

келишув далолатномасига асосан {product_ct_collateral_value} (сўз билан ёзилади)сўмга гаровга олиш тўғрисидаги гаров шартномаси билан таъминланади.

5.2.Банкнинг ушбу шартнома бўйича мажбурияти (кредит ажратиш) кредит қайтарилишининг таъминланишини белгилловчи ҳужжатлар белгиланган тартибда тўлиқ расмийлаштирилгандан ва у Банк томонидан олингандан сўнг кучга киради.

6.Томонларнинг жавобгарлиги

6.1.Асосий қарзни қайтариш муддати кечиктирилганда (муддати ўтган кредит), Қарздор Банкка бутун кечиктирилган давр учун шартномада белгиланган фоиз ставкасининг 1,2 баравар оширилган миқдорида юқори фоиз тўлайди.

Асосий қарз ва фоизларни белгиланган муддатларда тўламаганлиги ва улар бўйича муддати ўтган суммалар вужудга келгани учун қарздор Банкка кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4%миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.2.Мазкур шартномада кўрсатилган муддатда кредит ажратилмаганда, Банк Қарздорга кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1%миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 10%дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

7.Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1.Томонлар ушбу шартнома бўйича юзага келган низо ва келишмовчиликларни музокаралар ўтказиш орқали ҳал қилишга ҳаракат қилади.

7.2. Ўзаро келишувга эришилмаган низолар ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан суд тартибида ҳал этилади.

8.Бошқа шартлар

8.1.

Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилиб, томонлар имзолаганидан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Барча ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

8.2. Ушбу шартнома бекор қилинишида қарздор кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизларни тўлиқ қайтариши шарт.

8.3.Қарздорни кредит тарихини ўрганиш мақсадида, унинг кредит тарихи тўғрисидаги маълумотлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Кредит ахбороти миллий институтининг (кейинги ўринларда КАМИ) маълумотлар базасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредит берилишидан олдин олинади.

8.4.Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

8.5.Томонларнинг манзиллари ўзгарган ҳолларда 5 (беш) иш куни муддат ичида бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

8.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган тўрт нусхада тузилган бўлиб, тарафларда бир нусхадан сақланади.

Илова: Асосий қарз ва фоизларни қайтариш бўйича жадвали.

9.Томонларнинг юридик манзиллари ва имзолари

“Банк”

Акциядорлик тижорат Халқ
банки {filial-nomi} банк хизматлари маркази

Мазкур ҳужжат электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. www.xb.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжат тўғрисида маълумотларни олинг.

“Қарз олувчи”

Паспорт маълумотлари:
{full_name_cr}

{credit_request_qr_code_image}

Манзил:
{filial-manzili}
МФО: {filial-mfo};
ИНН: {filial-innsi};
“Contact center” алоқа тел.рақами:
(71) 210-20-02
{manager_position}:
{filial-boskaruvcisi-ifs}

Серия {passport}
Берилган_{passport_doc_give_place}
Тел.рақами {phone}

М.Ў.

(имзо)

Биргаликда қарз олувчи(лар):
{request_security_sign_table}

“Ҳурматли қарз олувчи! Кредит ва унга ҳисобланган фоизлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда Сизнинг кредит тарихингизда мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаганлиги тўғрисида маълумотлар шаклланади ва бу эса ўз навбатида келгусида кредит ташкилотларидан кредит олиш имкониятингизни пасайишига сабаб бўлиши мумкин”.

Мазкур ҳужжат электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. www.xb.uz веб-сайтига ўтинг ва электрон ҳужжат тўғрисида маълумотларни олинг.

{credit_request_qr_code_image}